



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 18-may. Shanba 60 (31.650)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

«Қишлоқда қурилиш ҳажми ортиб бораётгани муносабати билан замонавий қурилиш саноати ривожланмоқда, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, аҳоли бандлиги таъминланиб, унинг даромади ва фаровонлиги тобора ошмоқда».

Таълим

Ўқув йили сарҳисоби

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2012/2013 ўқув йили ақунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мактаб таълимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратаётгани ўқувчиларга аниқ мақсадли дастурлар асосида таълим-тарбия бериш, ўрта махсус, касб-хунар таълимига тайёрлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

2012/2013 ўқув йилида оптималлаштирилган фанлар бўйича ўқув дастурлари, янги, илғор педагогик технологияларни тажриба-синовдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. 5-8-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Билимлар беллашуви» натижасига кўра, мактабларнинг ўқитиш сифатига оид махсус рейтинг яратилди. «Устоз-шогирд», «Дарс — муқаддас!», «Ўрган — ўргат!», «Мураккаб фанни ўрганаман» лойиҳалари педагогларнинг ўзаро тажриба алмашиши имконини берган бўлса, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўриктанови илғор иш услубларини оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул

қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ халқаро экспертларни жалб этган ҳолда 1-9-синфлар учун чет тиллар бўйича ўқув дастурлари яратилди. Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари учун чет тилларида яратилаётган дарслик мажмуалари 130 мактаб ва 14 малака ошириш институтида тажрибадан ўтказилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёзги оромгоҳларда соғломлаштириш, инклюзив таълимини ривожлантириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жойларда «Китобхонлик байрамлари», «Адабиёт ҳафталиклари», мусикий кўрик-танловлар, ижодий фестивалларнинг мунтазам ўтказилаётгани ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ва унумли ташкил этиш имконини бермоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдида



Қишлоқларимиз ҳаётидаги янги давр

МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНИМИЗДАН KEYIN ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА ЭРИШГАН ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗ Тўғрисида ИСТАЛГАН СОҲА ВА ЖАБҲАДАН ХОҲЛАГАНЧА МИСОЛЛАР КЕЛТИРИШ МУМКИН. ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗНИНГ БУГУНГИ ҚИЁФАСИ, ЮРТИМИЗНИНГ ҲОЗИРГИ ЖАМОЛИ МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ЭЗГУ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ САМАРАЛАРИНИНГ ЭНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.

Ўзбекистонда бунёдкорлик ишларининг мазмуни ва кўлами шу даражада кенг миқёс касб этгани, кўзимиз буюк ўзгаришларга ўрганиб, янги иморатлар, бино ва иншоотларга кўникиб қолдик. Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти қўла-

мини ифодаляйдиган, эзгу мақсадларимиз ва хайрли ишларимиз заалворини ўзида мужассам этган улкан ҳажмдаги яратувчилик ишлари кундалик таомилга айланди. Энг муҳими, одамларимизда, уларнинг онги ва тафаккурида ўзгаришлар, янгила-

нишлар содир бўлди. Улуғвор ва бетакрор иморатлар бунёд этаётган халқимизнинг гурурига гурур қўшилди, ҳаётда ўз қадрини билиб яшашни ўрганди.

(Давоми 2-бетда.)

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАНИ БИЛИМДОНЛАРИ

⇒ 3



СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

⇒ 4



ДУТОР НАВОЛАРИ

⇒ 4



Бошланғич ташкилот — асосий таянч

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ТАЪСИР КУЧИ

қуйи бўгин фаоллиги ва ташаббускорлигида

ШУ ЙИЛНИНГ МАРТ ОЙИДА ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ XII ПЛЕНУМИ БЎЛИБ ЎТГАН ЭДИ. УНДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ АЙРИМ КАМЧИЛИКЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛГАН, ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛГАН.

ШУНИНГДЕК, ПАРТИЯНИНГ БАРЧА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИФИЛИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ Тўғрисида ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРГА ЕТАКЧИЛИК ҚИЛИШГА ЎзХДП ЭЛЕКТОРАТИ ОРАСИДА САМАРАЛИ ИШ ОЛИБ БОРИШГА ҚОДИР ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ НОМЗОДЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА ЭКАНИ ТАЪКИДЛАНДИ.

⇒ 2

Парламент фаолияти

ЗАМОНАВИЙ ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР

ахборот-коммуникация соҳаси

ривожига хизмат қилади

Сўнги йилларда бутун жаҳонда ахборот-коммуникация технологиялари учун дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари кенг муҳокама қилинмоқда. Ҳар бир мамлакат соҳани ривожлантиришга қаратилган ўзига хос чора-тадбирлар белгиламоқда. Замонавий дастурий маҳсулотлар миллий иқтисодиёт ривожланишининг муҳим шарти бўлиб, глобаллашув шароитида мамлакатнинг ҳар томонлама рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

⇒ 2

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

ОБРЎ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

унга курашиб, меҳнат қилиб, ташаббус кўрсатиб, амалий ишларни кучайтирибгина эришилади



www.uzbekistonovozi.uz

Спорт

40 ГА ЯҚИН ДАВЛАТДАН 150 НАФАР ИШТИРОКЧИ

Бугун Термиз шаҳридаги «Сурхон» спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти совини учун Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган XI халқаро турнир бошланади



Кеча Термиз шаҳрига Польша, Ироқ, Грузия, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан меҳмонлар етиб келди. Улар давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан тантанали кутиб олинди. Дастлаб ҳакамлар учун семинар ташкил этилди.

— Бугун кураш нафақат спорт тури сифатида дунёга чиқмоқда, балки у орқали юртнинг тарихига қизиқувчилар сони ҳам ортиб бормоқда, — дейди мусобақа бош ҳаками Муҳаммадзода Насири Нежад жаноблари. — 1998 йилда кураш халқаро спорт тури мақомини олди ва бугунги кунда жаҳоннинг юздан ортиқ давлатида жадаллик билан кенг қулоч ёзаяпти.

Шундан сўнг меҳмонлар, ҳакамлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари диққатга сазовор жойлари, шаҳардаги улкан

бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишди.

Куннинг иккинчи ярмида эса хорижий ва мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди. Маълум бўлишича, халқаро турнирга дунёнинг 40 га яқин давлатидан 150 га яқин полвон ва меҳмонлар етиб келган.

Дарҳақиқат, кураш ёшларни жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш билан бир қаторда уларда юксак маънавият, ҳалоллик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, ватанпарварлик каби фазилатларни шакллантиришга, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда. Қадим Жайхун соҳида бугун бошланажак халқаро турнир бунинг ёрқин исботидир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Парламент фаолияти



ЗАМОНАВИЙ
ДАСТУРИЙ
МАҲСУЛОТЛАР

ахборот-коммуникация соҳаси ривожига хизмат қилади

Мамлакатимизда ҳам дастурий таъминот индустрияси ривожига эришилди. Ушбу соҳада ривожланиши шундан иборатки, ҳозирги кунда индустриянинг ҳар қандай тармоғида ҳам дастурий таъминотнинг ҳаққон ҳисобидан қўлдан кетмаслиги эътибор қилиниши мумкин.

Маълумки, ҳозирги кунда индустриянинг ҳар қандай тармоғида ҳам дастурий таъминотнинг ҳаққон ҳисобидан қўлдан кетмаслиги эътибор қилиниши мумкин.

ПРЕЗИДЕНТИ-МИЗНИНГ «ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 2012 ЙИЛ 21 МАРТДАГИ ҚАРОРИДА ЯҚИН ИСТИҚБОЛДА МАМЛАКАТИМИЗДА АХБОРОТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АНИҚ МАҚСАДЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Алоқа, ахборотлаштириш ва коммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказган давра суҳбатда соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Депутатлар, Вазирлар Маҳкамаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи компаниялар вакиллари, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш ҳақида сўз юритишди. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариши рағбатлантириш ва ривожлантиришга қаратилган меъёрлари ижросини таҳлил қилишди. Давра суҳбатда ахборот технологиялари бозорининг муҳим қисми бўлган дастурий таъминот индустриясини кўллаб-қувватлашнинг оптимал йўллари муҳокама қилиниб, унинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга эътибор қаратилади.

Ҳозирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари дастурий маҳсулотларнинг фаол истеъмолчиси ҳисобланади. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг харажатлар сметаси ва

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

Бошланғич ташкилот – асосий таянч

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ТАЪСИР КУЧИ

қўйи бўғин фаоллиги ва ташаббускорлигида

Яқинда Қашқадарё вилоятининг Гузор тумани «Обод» маҳалласидаги УшХДП худудий бошланғич ташкилотининг ҳисобот-саноати йиғилиши бўлиб ўтди. Унда худудий ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолияти муҳокама қилинди. Куйи бўғинни замон талаблари асосида янада такомиллаштириш, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ва маданиятини ошириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дастлаб худудий ташкилот етакчиси Ҳошим Каримовнинг ҳисобот маърузаси тингланди.

— Партиянинг аҳоли ўртасида доимий ишлайдиган, жойларда учрайдиган ижтимоий масалаларни ўрганиб, унинг ечими бўйича тақлифларини юқори партия ташкилоти ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органидаги депутатларга ет-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

казадиган асосий бўғини бошланғич ташкилотлардир, — деди худудий партия ташкилоти етакчиси. — Биз фаоллик ва ташаббус кўрсатмас эканмиз, партиямиз кўланган мақсадга ета олмайдим.

Утган давр мобайнида бошланғич ташкилотимиз томонидан юртимиздаги ижтимоий-сиёсий ислохотлар мазмун-моҳиятини чуқур тушунириш, партия дастурий ҳужжатларини тарғиб этиш бўйича қатор ишлар қилди. Аъзолар сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ва маданиятини ошириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, қонунлар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросига қўмаклашишга эътибор қаратилди.

Бошланғич ташкилот йиғилишларида бир неча бор маҳаллада янги иш жойлари ташкил этиш, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни кўллаб-қувватлаш каби масалалар муҳокама қилин-

ди. Тушган тақлифлар, электроташкилотлари уйлантириётган масалаларни туман Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳига мунтазам равишда етказиб туришга ҳаракат қилаёмиз. Тадбирларни таъсирчан ўтказишда туман, вилоят партия кенгаши, депутатлар ва мутахассислар ёрдами бизга кўл келмоқда.

Аммо бу етарли эмас, албатта. Дастурий ҳужжатларни аҳоли орасида кенг тарғиб этишда куйи бўғинга катта масъулият юклатилади. Шу боис фаолиятимизни ана шу талаб даражасида янада кучайтиришимиз, салоҳиятли, ташаббускор ва интилувчан, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга қизиқиши баланд ёшларни сафимизга кенг жалб этишимиз керак бўлади.

— Партия электроташкилотининг сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш, қизиқиши ва эҳтиёжларини аниқлаш, ижтимоий масалаларга

ечим топишда бошланғич ташкилотлар муҳим аҳамиятга эга, — дейди халқ депутати туман Кенгаши депутати Элбек Омонов. — Бу борада жамоат ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарур.

Йиғилишда худудий партия ташкилотининг ишончи қандайдиган талаблар асосида такомиллаштириш зарурлиги таъкидланиб, бу борада мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотининг маҳалла билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни кўллаб-қувватлашни кучайтириш масалаларида фикр юритилди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги ҳисобга олиниб, Ҳошим Каримов худудий партия ташкилоти етакчилигига қайта ташланди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ватанимиз вақиллигининг 22 йиллиги олдидан

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАГИ ЯНГИ ДАВР

Бу хусусда сўз кетганда, Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2009 йилнинг мамлакатимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», деб эълон қилиниши ва «Қишлоқ тараққиёти топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади», деган эзгу гоани ўзида ифода этган маҳсулот Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳамда изчиллик билан ҳаётга жорий қилинаётгани мамлакатимиз, шу жумладан, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасини юксалтиришда янги тарихий даврни бошлаб бераганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жой қуриш дастурининг амалга оширилиши натижасида 2009-2012 йилларда мамлакатимизнинг 159 қишлоқ туманида 650 янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр 23,6 мinggaдан ортиқ яқка тартибдаги уй-жой қурилди.

Бу рақамлар шунчаки оддий статистик кўрсаткичлар эмас. Чунки ҳақон молиявий-иқтисодий инқирозни кўнгина мамлакатларнинг белини буюклиб қўйган, наманам деган давлатлар ҳам қатор ижтимоий дастурлардан воз кечинишга мажбур бўлган, айрим минтақаларда кескин ижтимоий ва демографик муаммолар туфайли минглаб қишлоқлар хувиллаб қолган ҳозирги шароитда дийримизда замонавий мезонлар асосида 650 қишлоқнинг қурилиши жуда кўп нарсани аналтади.

Энг муҳими, янги массивлар барпо этилиши билан минглаб оилаларнинг орзулари ушалди, ўн минглаб юрдошларимизнинг ҳаёт сифати тубдан ўзгарди. Келажакда мамлакатимизда пайдо бўладиган янги минглаб қишлоқлар қандай қиёфага эга бўлиши, қишлоқ аҳолиси қандай шароитларда яшаши ва меҳнат қилиши тўғрисида ана шу янги массивлар мисоллари ёрқин тасаввур ҳосил қилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг жорий йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги «Мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг обу-этиборини янада ошириш йўлида меҳнат қилиш — муқаддас бурчимиз» маърузасида қайд этилганидек, бу масала узоқ муддатли муҳим ижтимоий дастур бўлиб, мазкур йўналишдаги ишлар қишлоқда яшаётган одамларнинг

(Давоми. Боши 1-бетда.)



шароити шаҳардагидан кам бўлмаслиги керак, деган эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган. Инсон манфаатларини таъминлаш мустақиллик йилларида амалга оширилган барча ўзгариш ва ислохотларнинг бош мақсади сифатида белгиланган. Зеро, инсон дунёга бир марта келади ва у бахтли, ўз қобилият ва иқтидорини, иртилиши ва меҳнатига муносиб фаровон ҳаёт кечиршига ҳақлидир.

Яқин ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, бу масалага, айниқса, қишлоқда яшовчи одамлар турмуш даражасини яхшилашга юзаси қаралганига гувоҳ бўлаёмиз. Қишлоқ деганда, кўпича кўз олдимизда чангу лой қўчалар, наридан бери сомонсувоқ қилинган пасткам уйлар, ўчоқда кўзи ачишиб оқват пишираётган аёллар гавдаланарди. Пешонага битилгани шу экан-да, қишлоқчилик шундай-да, деган кўникиш одамлар онгига сингиб кетган эди.

Юртошимизда қишлоқларимизни ривожлантиришда мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, дастурхонларимиз тўқин-солчиллигини таъминлаб бўлмаслигини таъкидлайди. Мустақиллик йилларида қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида изчил олиб борилаётган сиёсат ҳам шу эзгу мақсадга эришишга қаратилган. Қишлоқлар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, бандликни таъминлаш ва бошқа қатор йўналишларга қадр давлат дастурлари доир қилиниб, қишлоқларда замонавий уй-жойлар, тиббиёт, таълим ва спорт иншоотлари ҳам намунавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда. Бу давлатимиз раҳбарининг келажак авлодга бўлган гамхўрлигининг ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимизда мазкур соҳада олиб борилаётган бундай кенг қўламли ишлар элу юртимиз ҳаётини том маънода ўзгартириб, жаҳон ҳамжамиятида Ватанимиз нуфузи ва обрўсининг юксалишига хизмат қилмоқда. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши» қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш «Омили» мавзусидаги халқаро конференцияда хоржилик мутахассислар ва экспертлар томонидан билдирилган фикр-

лар бунинг яққол тасдиғидир. — Қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ташаббуси — бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурининг муҳим, ҳал қилувчи қисмидир ва иқтисодий ва бозор инфратузулиси объектлари, шу жумладан, 109 савдо, 90 новобойхона, 80 гузар, 42 бозор, 33 минибанк, 47 машиини хизмат кўрсатиш пункти барпо этилган.

Автомобиль йўллари, ички коммуникация тармоқларини қуриш ишлари, сув, газ ва энергия таъминотини йўлга қўйиш Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Жорий йилда қурилиш ишлари олиб борилаётган 353 қишлоқ массиви ҳудудда узунлиги 300 километрдан ортиқ ичкилиқ суви тармоқлари, 280 километрдан зиёд электр тармоқлари ишга туширилади, қарий 240 километрлик автомобиль йўллари қурилади.

Янги уй-жой массивларида ёшларнинг баркамол бўлиб улғайиши учун барча шароит яратиб берилмоқда. Худудда яшайдиган аҳоли сонидан келиб чиқиб, мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари ва спорт иншоотлари ҳам намунавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда. Бу давлатимиз раҳбарининг келажак авлодга бўлган гамхўрлигининг ёрқин ифодасидир.

Халқаро анжуман иштирокчилари алоҳида таъкидлаганидек, қишлоқ худудларини ривожлантириш борасидаги ташаббуслар минглаб қишлоқ оилаларини замонавий, қулай, nisбатан арзон уй-жойлар билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш, тегишли тармоқ ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларининг янада ривожланишини рағбатлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва пировард натижасида қишлоқларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш орқали уларнинг турмуш шароитини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур нуфузли тадбир доирасида Самарқанд вилоятидаги янги массивларда наму-

навий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар эгалари билан ҳамсуҳбат бўлганим, уларнинг чехралари кўз олдимида келди. Самарқанд туманидаги «Обод турмуш» маҳалласида бунёд этилган қуркам уй-жойлар, қишлоққа кираверишдаги маҳалла маркази, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, яраклаб турган кўчалар, ҳаётдан мамнуллиги юзидан балқиган янги уй эгалари ёдимга тушди.

Унинг ҳар бир хонаси, бу ердаги шароит ҳақида тўлқинланиб гапирган хонадон соҳибари Мафтуна Қосимовани эслаб, беихтиёр юзимга табассум югурди. — Қишлоқларимиз гузлаштирилиб, халқимизнинг ҳаёт сифати юксалиб бормоқда, — дейди Мафтуна опа. — Мана бундай замонавий уйлар, бу ерда яратилган шарт-шароит, одамларимизнинг кайфияти, эртанги кунга бўлган қатий ишончи фикримизнинг далилидир.

Юртбошимиз одам қандай шароитда яшаётганига қараб, унинг дунёқарашига баҳо бериш мумкин, дейди. Янги хонадонлар соҳиблари ҳам ўз қишлоқларига янги аҳоли шакли, янги аҳоли бўлиши, янги аҳоли бўлиши учун астойдил ҳаракат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Президентимиз гоёси ва ташаббуси билан амалга оширилаётган қишлоқ аҳолисига шаҳардагидан кам бўлган шароит ва қулайликлар яратиш борасидаги эзгу сазий-ҳаракатлар унинг юксак самараларини бермоқда. Уй-жой қурилиши қурилиш соҳаси билан боғлиқ қўллаб тармоқлар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланиши ҳамда барқарор ўсиш сурьатларини таъминлайдиган муҳим омилига айланмоқда.

Шунингдек, ушбу эзгу ташаббус шаҳар ва қишлоқ ўртасида ривожланиш борасидаги номуноносибликни бартараф этиш, тараққиётнинг «Ўзбек модели»нинг тарқибини қисим бўлган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш борасида беқиёс имкониятлар очмоқда.

Муҳтасар айтганда, қишлоқларимиз ҳаётида янги даврни бошлаб берган мазкур ҳаракат халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, юртимиздан обод турмушини яратиш борасида амалга оширилаётган бетимсол ишларга уйғун, ҳамоҳанг ҳолда янги раҳ, янги қиёфа касб этмоқда.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎЗА ШАРҚУЛОВЧИСИ.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ VAZIRLAR MAХKAMASI ХУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИНИНГ ФАН VA ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САЊАТ VA MEЪMOPЧИЛИК СОХАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари тўғрисидаги низомга мувофиқ, 2013 йилда бериладиган Давлат мукофотлари учун тавсияларни қабул қилиш ҳақида 2012 йилнинг октябр ойида марказий газеталарда эълон қилинди. 2012 йилнинг октябрдан 2013 йилнинг январигача бўлган мuddатда Давлат мукофотлари учун фан ва техника соҳаси бўйича 29 та, адабиёт соҳаси бўйича 5 та, санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича 16 та тавсия қабул қилинди ва уларнинг барчаси атрафчи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши 2013 йилда бериладиган Давлат мукофотлари танловига қуйидаги ишлар кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун қўйилганини маълум қилади:

Фан ва техника соҳасида:

- М.Ж. Азизов, Н.В. Ступина, М.Э.Ирисметов.** Йирик бўйимлар ортопедик патологиясини даволашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш бўйича илмий ишлар мажмуи. Амалий тадқиқот.
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий-таълим институти томонидан тавсия этилган.**
- М.М. Зуфаров, Х.О. Абдураҳимов, Х.К. Абралов, Ф.Ш. Бахритдинов, Л.А. Назирова.** Юрак-қон томир касалликларининг диагностикасини даволашда замонавий услубларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш. Амалий тадқиқот.
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази томонидан тавсия этилган.**
- Ш.С. Намозов, Б.Б. Содиқов, Н.В. Волинскова, Х.Ч. Мирзақуллов, Б.М. Беглов.** Марказий Қизилқум фосфоритларидан юқори концентраланган фосфорли ўғитлар олиш технологияларини ишлаб

чиқиш ва санъатга жорий қилиш. Амалий тадқиқот.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент кимё-технология институти томонидан тавсия этилган.

4. А.М. Абдуқаюмов, А.З. Рихсиев, У.С. Солиқбоев, С.С. Хўжаев. ВВР-СМ ядро реактори негизида янги тиббий изотопларни ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш. Амалий тадқиқот.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физика институти томонидан тавсия этилган.

5. С. Дадамухамедов, Р.А. Мўминов, Х. Собиров, М.Н. Турсунов, И.А. Йўлдошев. Кремнийли фотоэлектроник радар асосидаги қуёш нурланишини бевосита электр энергиясига айлантирувчи ҳозирги замон тизимлари ишланмасини яратиш ва уларни ишлаб чиқиш. Амалий тадқиқот.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» ИИЧБ Физика-техника институти томонидан тавсия этилган.

6. А. Садуллаев. «Глюриопотенциаллар назарияси. Қўлланиши» монографияси.

Фундаментал тадқиқот.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан тавсия этилган.

7. Ш.С. Сирожиiddинов. «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили» асари. Фундаментал тадқиқот.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан тавсия этилган.

Санъат ва меъморчилик соҳасида:

1. О. Файзуллаев. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи биносидаги «Баҳор кўши» номли ёғоч ўймакорлиги асарлари тўплами (маҳабатли нақшинок эшиклар тўплами).

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тавсия этилган.

2. М.Х. Қодиров. «Ўзбек анъанавий театри» монографияси. Санъатшунослик соҳасидаги асарлар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр»

ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тавсия этилган.

3. Ж.Т. Изентаев (мархум). «Қорақалпоқ элим менинг» туркум асарлари. Ранг-тасвир асарлар туркуми.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тавсия этилган.

4. А.М. Аликулов. «Шонли тарихимиз — расомнигоҳида» монументал асарлар туркуми.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, қорхона ва ташкилотлар, илмий муассасалар, таълим муассасалари, илмий-техник жамиятлар, олимлар ва мутахассислар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари, архитекторлар ҳамда кенг жамоатчиликдан муҳокамга қўйилаётган фан ва уларнинг муаллифлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди.

Барча тақризлар, фикр ва хулосалар, муҳокама натижалари фан ва техника соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига юборилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Манзили:

100047, Тошкент шаҳри, Яхё Фуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона. Тел.: (371)-233-59-46.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Манзили:

100017, Тошкент шаҳри, Мустақиллик-5. Тел.: (371)-239-49-57.

Ижтимоий ҳимоя

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

савдо белгиси билан маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда

Навоий вилоятида 2011 йилда хорижий инвестициялар ширкоҳидаги қорхоналар сони 26 та шаклланиб қолган бўлиб, ўтган давр мобайнида бу кўрсаткич қариб 4 баробарга ошди. Президентимиз ташаббуси билан Навоий эркин индустриал иқтисодий зонасининг ташкил этилиши ҳам ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириб юборди.

Ўзбекистон — Хитой ҳамкор-

лигида ташкил этилган «Навоий хунан йўли» қўшма қорхонаси болалар таълимлари ва аёллар гигиеник воситалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Қорхона ўтган йили 9 миллион 750 минг донадан зиёд қарийб 3 миллиард сўмга яқин маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга етказиб берди. Мазкур қорхонанинг ишга тушиши натижасида 60 га яқин ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди.

— Цехларимиз замонавий

технологиялар билан жиҳозланган, — дейди қорхона раҳбари Лола Уринова. — Бир вақтнинг ўзида бу ерда тўрт хилдаги «Panpollina» болалар таълимлари ва ички турдаги «Dream Soft» аёллар гигиеник воситалари ишлаб чиқарилади.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, қорхонада ўтган йилда 1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб истеъмолчиларга етказилган бўлиб, жорий йилда бу кўрсаткичи 50 фоизга

ошириш кўзда тутилмоқда. — Мен ўтган йили касб-ҳунар коллежини битириб, мана шу қорхонага ишга қабул қилинган, — дейди қорхона ишчиси Сарвиноз Каримова. — Маҳсулотларимиз хорижга «Ўзбекистон» савдо белгиси остида экспорт қилинмоқда. Бу, албатта, бизни фахрлантиради ва янада кўпроқ меҳнат қилишга ундайди.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Эълон

КОРХОНА VA TASHKILOTLAR RAХBARLARI DIҚKATIGA!

«САМАРҚАНД ДОНМАХСУЛОТЛАРИ» ОЧИҚ АКЦИЈА ДОРЛИК ЖАМИЈАТИ

2013 йилда капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шартини билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Бюджетчи бошланғич нархи | | Қурилиш мuddати |
|----|---|--------------------------|-----------------|-----------------|
| | | ҚҚСсиз | ҚҚС билан | |
| 1. | «Самарқанддонмахсулотлари» ОАЖнинг омхта ем ишлаб чиқариш цехи биносини капитал таъмирлаш | 375 000 000 сўм | 450 000 000 сўм | 5 ой |

Қурилиш ишлари банкдан олинмаган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Бюджетчи: «Самарқанддонмахсулотлари» ОАЖ.
Манзили: Самарқанд шаҳри, Якубовский кўчаси, 4-уй, **телефон:** (8366) 229-60-24.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган қорхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик таърибига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларида мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб берилмаган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақ-

лифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.
Тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишни охирги мuddати — оферталар очилиш кўни ва соатида.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00 да ўтказилади.

КОРХОНА VA TASHKILOTLAR RAХBARLARI DIҚKATIGA!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЈАСИ

2013 йилда реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шартини билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Бюджетчи бошланғич нархи | | Қурилиш мuddати |
|----|---|--------------------------|-------------------|-----------------|
| | | ҚҚСсиз | ҚҚС билан | |
| 1. | Самарқанд шаҳридаги виллоят бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маъмурий биносини реконструкция қилиш (ВТЭК билан биргаликда) | 855 564 871 сўм | 1 026 677 845 сўм | 7 ой |

Қурилиш ишлари Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Бюджетчи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.
Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй.
Телефон: (8366) 231-10-93.

Талабгор сифатида иштирок этаётган қорхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик таърибига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларида мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб берилмаган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақ-

лифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.
Тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишни охирги мuddати — оферталар очилиш кўни ва соатида.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносидан соат 10-00 да ўтказилади.

Куч — билим ва тафаккурда



ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАНИ БИЛИМДОНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ академиясида ҳуқуқшунослик фани бўйича Талабалар республика фан олимпиадасининг II босқичи бўлиб ўтди.

Унда Тошкент давлат юридик институти, ИИВ академияси, шунингдек, таркибиди ҳуқуқшунослик факультети бўлган пойтахт-тимиздаги ўнға яқин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган олий таълим муассасаларининг тингловчи ва талабалари фаол иштирок этди. Юқори савияда ўтказилган ҳуқуқшунослик фани бўйича Талабалар республика фан олимпиадасининг иккинчи босқичи тўрт турдан иборат бўлиб, иштирокчилар ёзма иш ва тест синовларини топширидилар. Билетлар асосидаги суҳбат ва илмий иш (реферат)лар ҳимояси ўтказилди.

Фан олимпиадалари иқтидорли, истеъодли тингловчи ва талабарлар ораси-

Реклама

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЈА ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР Йўллари» ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР

№ 3 на 2013 год на приобретение строительной техники по лотам:

Лот 1. Гусеничный экскаватор с гидромолотом с емкостью ковша 1,4-1,6 куб.м. — в количестве 5 единиц.

Лот 2. Гусеничный экскаватор с емкостью ковша 1,8-2,0 куб.м — в количестве 4 едини-

Лот 3. Бульдозер с мощностью двигателя не менее 230 л.с. — в количестве 6 единиц.

Лот 4. Бульдозер с рыхлителем с мощностью двигателя не менее 320 л.с. — в количестве 4 едини-

Лот 5. Фронтальный автогрузовик с емкостью ковша 5 куб.м — в количестве 2 едини-

Лот 6. Передвижной мобильный бетонный завод — в количестве 1 едини-

Лот 7. Автомобиль для перевозки цемента грузоподъемностью 60 тонн — в количестве 1 едини-

Лот 8. Передвижной мобильный дизельный компрессор — в количестве 1 едини-

Лот 9. Кран на автомобильном ходу грузоподъемностью 25 тонн — в количестве 1 едини-

За тендерной документацией обращаться по адресу: г. Ташкент, ул. Т. Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари», Управление «Темірйўлбенилигаъми», комната 410. Тел.: 237-94-72, факс: 238-84-43.

Электронная почта — israilov55@mail.ru



Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней со дня опубликования объявления средствами массовой информации.



Тиббиёт

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Мамаликатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилётган кенг қўламли иш-хотлар замирида аҳоли репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек улғу мақсадлар муваффақият қилиб амалга оширилмоқда.

Шу боис тиббиётимизда мутлақо янги тизим бўлган перинатал, скрининг хизматлари, репродуктив саломатлик марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида ўсмир қизлар, туғуруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ёш оналар саломатлигини доимий назорат қилиб бориш, уларни ўз вақтида тиббий куридан ўтказиш, муҳими соғлом фарзандларнинг дунёга келишига эришилмоқда.

Буни Сирдарё вилоят перинатал маркази мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу муассаса 130 ўринга эга бўлиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.

Марказда 40 нафарга яқин юқори малакали шифокор, 80 нафардан зиёд тажрибали ҳамшира меҳнат қилади. Ўтган йили муассасада 4400 дан ортиқ туғуруқ қайд қилинган. Шифокорлар томонидан ҳомиладорлик оғир кечган аёлларни, эрта туғилган чақалоқларни тиббиёт-

нинг илғор технологиялари ёрдамида самарали даволаш, юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш ишлари, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини таъбиб этишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Натижада ўтган йили марказда она ва бола ўлими қайд этилмади.

Перинатал марказда Халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан бир неча марта ўқув-семинарлари ташкил этилди. Бу эса ходимларнинг назарий ва амалий билимларини янада мустаҳкамлаш, халқаро тажрибани ўрганишларига имконият яратмоқда.

Мақсадимиз она саломатлигини асраш ва соғлом болаларнинг туғилишини таъминлашдир, — дейди чақалоқлар реанимацияси бўлими мудири Сайёра Абдуллаева. — Бу борада бизда барча шароитлар яратилган. Жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган тиббий жиҳозлар, марказимизнинг моддий-техник базаси ҳавас

қиладиган даражада.

— Президентимизнинг «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган «Соғлом авлод — миллат келажаги» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўлаган табригини қизиқиш билан ўқидим, — дейди марказ директори Ҳанифа Садикова. — Дарҳақиқат, юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида бошланган ишлар бугун умуммиллий ҳаракатга айланган. Қувончлиси, кўплаб давлатлар мамлакатимизда репродуктив саломатлиқни таъминлаш бўйича яратилган миллий моделга асосланган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасида ўз стратегиясини ишлаб чиқмоқда. Бу бизнинг катта ютуғимиз, деб уйлайман.

Шунингдек, ходимларимиз малакасини узлуксиз ошириб боришга ҳам катта эътибор қаратганмиз. Ўтган йили шифокорларимиз бир қатор хорижий давлатларда малака ошириб келган бўлса, жорий йилда АҚШ ҳамда Европа мамлакатларида юбюришини режалаштирганмиз.

Абдусалим МАҲМУДОВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2012» танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар! Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» республика танловига таклиф этади. Танловга 2012 йилнинг 1 июнидан 2013 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиокўрсатувлар қабул қилинади. Материаллар танловга тахририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган

ҳолда тақдим этилиши лозим. «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қўнига бағишлаб, 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30, 35-хоналар. **Телефонлар:** 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. www.Journalist.uz



ДУТОР НАВОЛАРИ

Пойтахтимиздаги Республика ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчилари Ялта шаҳрида ўтказилган «Крим баҳори — 2013» ёш ижрочилар халқаро танловига фортепьяно, торли чолғулар, пуфламо асбоблар, халқ чолғулари, хонандлик ва чолғу ансамбллари номинацияларида совринли ўринларни эгаллашди.

— Фестивалда барча қатнашчилар ўз маҳоратини юқори даражада намойиш қилди, — дейди ушбу мактаб ўқитувчиси **Насиба СОДИҚОВА.** —

Шундай кучли танловда беш нафар ўқувчимиз фахрли 1-, 2-ўринларни олди. Танловда барча қатнашчилар ўз миллий куй-кўшиқларини ижро этди. Бизнинг ўқувчиларимиз атиги икки тури бор дуторда ўз миллий куйларимиз билан бирга турли миллат куйларини ижро этганда барча лол қолди. **Альбина ЖУМАНОВА**

Реклама «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖ

2013 йил 18 июнь куни очилган аукцион савдоларини ўтказишда Савдоларга Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 5-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Давлат фельдгерлик хизмати балансидаги 2006 й.и.ч. д/р 01385 ҚСА, бошланғич нархи 7 371 897 сўм бўлган битта ҳамда д/р 01384 ҚСА ва 01/073 КАА, бошланғич нархи 6 984 314 сўмдан бўлган иккита «Дамас» русумли автотранспорт воситалари кўйилади. Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг қамиди 20 фоизи миқдоридagi закалат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425; СТИР 302088054, 2020800004932833001 жисб-рақамига тўланади. Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунда сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран кўйилади. Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddat ичида олди-сотиш шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунча қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Талабдорлар белгиланган мuddatларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусxada, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 5-уй. Маълумотларни кўрсатилган ушбу манзилдан олиш мумкин. **Алоқа телефони:** (+998 93) 399-81-19, 398-69-96, **электрон почта:** tkos-mail@inbox.ru **Гувоҳнома №005414-05**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил асосий макроекинсий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметри тўғрисидаги ПҚ-1887-сонли қарорига кўра ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисидаги қарорининг 6-илоvasи 13-банди (Вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари тўғрисидаги намунавий низоми)да баён қилинган қондаларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. 2013 йил 1 январдан «Тошкент вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси» давлат унитар корхонаси «Тошкент вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси» деб номланганлигини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**



«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз кончилик ва металлургия саноати соҳаси ходимларини Ўзбекистон Республикасининг кончилик ва металлургия саноати ходимлари қуни билан муборақбод этади!

Истиқлолимиз шарофати билан гуллаб-яшнаётган Она Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Бунёдкорона меҳнатимиз ҳар бир хонадонга, юртимизга фаровонлик олиб кираверсин!

Юртимиз тинч, мустақиллигимиз абадий бўлсин!






MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

| | | |
|---------------------|----------------------|-------------------------------|
| Abdulla ORIPOV | Murodilla ABDULLAYEV | Saidahmad RAHIMOV |
| Hotamjon KETMONOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | Farruh HAMROYEV |
| Ulug'bek VAFOYEV | Muslihidin | (Bosh muharrir 1-o'rinbosari) |
| Rustam KAMILOV | MUHIDDINOV | Tat'yana KISTANOVA |
| Sharbat ABDULLAYEVA | Ochilboy RAMATOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) |

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyot — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqliq targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 546 **Nashr ko'rsatkichi — 220**

16380 **t — Tijorat materiallari**

nusxada **O'zA yakuni — 21.00**

bosildi. **Topshirilgan vaqti — 23.15**

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2000-7633



1 2 3 4 5